

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DIN ISHLARI BO‘YICHA QO‘MITASI  
IMOM MOTURIDIY  
XALQARO ILMIIY-TADQIQOT MARKAZI

**MOTURIDIYLIK – BAG‘RIKENGLIK,  
MO‘TADILLIK  
VA MA‘RIFAT TA‘LIMOTI**  
*mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya  
materiallari to‘plami*

**II-JILD**



«Standard Poligraf Service» MCHJ qo‘shma  
korxonasi bosmaxonasi  
Toshkent – 2025

Moturidiylik – bag‘rikenglik, mo‘tadillik va ma‘rifat ta‘limoti [Matn]: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami. – Toshkent: «Standard Poligraf Service» MCHJ qo‘shma korxonasi bosmaxonasi, 2025 – 468 b.

***Tahrir hay‘ati (Board of editors):***

Dr. Muzaffar Komilov, Sodiq Toshboyev, Dr. Uyg‘un G‘ofurov,  
Sheikh Nuriddin Xoliqnazar, Dr. Nazir Muhammad Ayyad, Dr. Davronbek Maxsudov,  
Dr. Zohidjon Islomov, Dr. Firdavs Abduholiqov, Dr. Jamoliddin Karimov,  
Dr Muzaffar Joniyev

***Muharrirlar (Editors):***

Dr. Shakhzod Islamov, Dr. Aziz Tajiyev, Dr. Ahmad Sa‘d Damanhuri,  
Dr. Zafar Fakhriddinov, Dr. Abdullatif Alloqulov, Dr. Shukrullo Jo‘rayev,

***Taqrizchilar (Reviewers):***

**Ashirbek Muminov**

*tarix fanlari doktori, professor*

**Shovosil Ziyodov**

*tarix fanlari doktori, professor*

Ushbu to‘plamda 2025-yil 29-30-aprel kunlari Samarqandda o‘tkazilgan «Moturidiylik – bag‘rikenglik, mo‘tadillik va ma‘rifat ta‘limoti» xalqaro ilmiy-amaliy xalqaro konferensiyada qatnashgan professor-olimlar tomonidan tayyorlangan tezis materiallari o‘rin olgan.

Mazkur to‘plamda keltirilgan tezis maqolalar, islom dinining jamiyatdagi o‘rni, umuminsoniy hamda milliy-diniy qadriyatlar rivojlantirishga qaratilgan ilmiy va amaliy yondoshuvlarni o‘zida aks ettiradi. To‘plam materiallari nafaqat o‘quv-uslubiy jarayonda qo‘shimcha manba sifatida, balki ijtimoiy- madaniy sohalarda faoliyat olib borayotgan mutaxassislar uchun manba bo‘lib xizmat qiladi.

*O‘zbekiston Respublikasi Din ishlari bo‘yicha qo‘mitaning 2025-yil 7-avgustdagi 03-07/4806-son xulosasiga asosan tayyorlandi.*

© Imom Moturidiy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, 2025

© «Standard Poligraf Service» MCHJ qo‘shma korxonasi bosmaxonasi, 2025

## «ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА МОТУРИДИЯ АҚИДАВИЙ МАЗҲАБИ»

Жонибек ДОВУРОВ

*Ориентал университети*

*E-mail: [jonibekdovurov58@gmail.com](mailto:jonibekdovurov58@gmail.com)*

Абу Мансур ал-Мотуридий сунний эътиқодидаги икки йирик оқимлардан бири бўлмиш Мотуридия оқимининг асосчиларидан ҳисобланади. Манбаларда ёзилишича, Абу Мансур Мотуридий асли Самарқанднинг Мотурид (ҳозирги Жомбой туманида жойлашган) қишлоғида туғилган бўлиб, унинг таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олингандир, тўлиқ исми эса Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Абу Мансур ал-Мотуридий дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради. У Абу Бакр Жузжонийдан ҳанафий фикҳини, анъанавий ислом мезонлари ва уни атрофлича қамраб олиш, изчил таҳлил қилиш, ақлан фикр юритиб, илоҳиёт борасида мунозаралар олиб боришни эса Абу Наср Иёдийдан ўрганади.

Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти Самарқандда илоҳиёт илми ривожининг кейинги даврига тўғри келади. Бу пайтда шаҳарда бир неча эътиборли мутакаллимлар гуруҳи фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар орасида донишмандлар (ҳукамо) гуруҳига мансуб Абулқосим Ҳаким Самарқандий ижодига қизиқиш катта эди. Иккинчи гуруҳда Абу Бакр Жузжоний мактаби намояндalари – Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Жузжоний, Абу Мансур Мотуридий, Абулҳасан Рустуфағний, Абу Салама Самарқандийлар бор эди. Учинчи гуруҳни эса иёдийлар сулоласи вакиллари – Абу Наср Иёдий, унинг фарзандлари Абу Аҳмад ва Абу Бакр Иёдийлар ташкил этарди. Бу гуруҳлар ўртасидаги баҳслар турли кўринишларда намоён бўлди ва бу калом илми ривожига ижобий таъсир этди.

Маълумки, калом илмида мутакаллимлар мавқеини белгилашда уларнинг ижтимоий-сиёсий масалалардаги қарашлари муҳим ўрин тутган. Ҳакимлар давлат билан ҳамкорликни рад этмай, унинг вакиллари билан бирга фаолият кўрсатган. Масалан, Абулқосим Ҳаким Самарқандийнинг «Китоб ас-савод ал-аъзам» асари сомонийлар таклифи асосида ёзилган ва бу китобдан ўша даврда Мовароуннаҳрда асосий қўлланма сифатида фойдаланилган.

Мақола бошида таъкидлаганимиздек, Мотуридий ҳижрий 333 (милодий 944-945) йилда вафот этган ва Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн қилинган. Шаҳар аҳолиси, айниқса, ўрта қатлам орасида машҳур бўлган уламолар, жумладан, Мотуридийнинг сафдош ва шогирдлари ҳам шу ерга дафн

килинган. Солиҳ уламолар гуруҳи фаолиятини тадқиқ қилишда ушбу қабристон ва у билан боғлиқ маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Имом ал-Мотуридий яшаган давр – IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярми – том маънода исломий илмлар ва ислом маърифатининг турли соҳалари, жумладан, калом илми ҳам гуллаб-яшнаган, айтиш мумкинки, ушбу илмнинг олтин асри бўлган эди. Замон тақозоси билан айна шу даврга келиб илм-фанда ҳурфикрлик алоҳида аҳамият касб этади. Олиму уламолар ўз қарашларидан келиб чиқиб, диний эътиқод ва унинг усуллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода қила бошлайдилар. Айна шу асрларда Мовароуннаҳрда турли-туман диний гуруҳлар ва фирқалар пайдо бўлади. Улардан кенг тарқалганларидан бири муътазила оқими эди. Аслида, муътазила оқими калом илмидаги дастлабки йирик йўналиш сифатида VIII–IX асрларда араб халифалигининг диний-сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган. Ундан кейин пайдо бўлган қатор оқимлар – жаҳмийлар, карамийлар, муржиълар ва бошқа тоифалар иймон-эътиқод ва билиш назариясидаги хато қарашларга эга эдилар. Бинобарин, имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ақлий далил ва исботларга таянган ҳолда ислом дини ақидасининг софлигини ҳимоя қилиш ва ҳидоят йўлидан адашган мазкур оқимларга қарши кураш алоҳида аҳамият касб этган. XI–XII асрлар ҳанафий мутакаллимлари Мотуридия таълимотини қайта тиклаш жараёнида унинг ижтимоий қарашларини акс эттирувчи фикрларини эътибордан четда қолдиришади. Кейинчалик Мотуридий фикр ва калом масалалари билан кизиқиб, ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб, ўз билимини юксалтиради. Бу жараёнда кўплаб машҳур фақиҳ ва муҳаддислар билан мулоқот ва мунозарада бўлади, шу соҳага оид асарлар ёзади.

Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавийнинг «Катоиб ул-аълум ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва машойих мазаҳаб ан-Нуъмон» («Нуъмон мазҳабига мансуб бўлган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб») номли асарида Абу Мансур Мотуридийнинг қаерда ва қачон вафот этгани ҳамда унинг асарлари ҳақида маълумот беради. Муаллиф имом Мотуридийнинг «Китоб ут-тавҳид» («Аллоҳнинг яккаю ягоналиги борасидаги китоб»), «Китоб ал-мақомат», «Китоб рад авомил лил адила лил каъбий» («Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб»), «Китоб байон ва ҳум ул-муътазила» («Муътазила ғавғолари ва ундан кўркмаслик ҳақидаги китоб баёни»), «Таъвилот аҳли ас-сунна» («Қуръон таъвили») каби асарларини санаб ўтади.

Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам хориждаги кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Ислом оламида машҳур бўлган «Китоб ут-тавҳид» асари 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда, кейинчалик эса Туркияда бир неча бор нашр этилади. Сўнггиси Бекир Туплу ўғли ва Муҳаммад Аручи каби олимлар томонидан 2003 йил Анқарада чоп этилган.

Мутакаллим ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиб, ўзи ҳам араб тилида тафсир ва эътиқодга оид «Таъвилот аҳли ас-сунна»ни ёзади. Бундан кўзланган асосий мақсад «Аҳл ас-сунна ва ал-жамоа» таълимотига зид қарашларни рад қилишдир. Бу асардан эътиқодий масалалар ҳамда фикҳда кенг фойдаланилади. Абу Мансур Мотуридий бу асарини ёзишда асосан Абу Ҳанифанинг қарашларига суянади. Ушбу китобнинг нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. «Китоб таъвилот» асарининг биринчи жилди 1971 йилда Сайид ва Иброҳим Авадайнлар томонидан нашр этилди. Худди мана шу китоб бангладешлик олим А.А.Раҳмон томонидан 1981 йил янги кўшимчалар билан қайта нашр қилинди. Асарнинг чоп қилиниши Мотуридий каломига оид бир қатор мақолаларнинг ёзилишига сабаб бўлди. Ф.Сезгин ўзининг «Араб қўлёзмалари тарихи» китобида «Китоб таъвилот» асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумот беради. Сўнгги йилларга келиб унинг тўлиқ нашрлари ҳам амалга оширилди. 2004 йил Фотима Юсуф Хайми томонидан 1-5 жилдлари Байрутда нашр этилди. Яна бири Муждий Баслум томонидан тайёрланган бўлиб, 2005 йил Қоҳирада «Мактабат ул карамат» нашриётида чоп этилган. Энг сўнгги 2008-2009 йиллардаги илмий нашри Туркиядаги «Дарул мезон» нашриётида етти жилдда чоп этилди.

Калом ўзи нима ва у қандай илм? Калом илми ўрта асрларда фалсафий-диний фикрлар ва диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига эътиқод этиш ҳақидаги билимларни ифодалаган. Бирон-бир динга мансуб шахс учун мажбурий ҳисобланган, ҳар қандай шароитда муҳокама қилмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар мажмуига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида у махсус билимлар тизими сифатида вужудга келди. Калом – «илмул калом» атамаси кенг маънода ўрта асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда (жумладан, насронийлик ва яҳудийликда ҳам) эркин фикр юритишга нисбатан қўлланган, тор маънода эса ақидапарастлик, яъни динда обрў-эътиборли ҳисобланган шахслар – пайғамбар, саҳобаларга тақлид йўли билан эмас, балки Қуръон ва сунний таълимотни ақл-идроққа мос талқин этиш, тафаккурга суяниб иш юритишга нисбатан ишлатилган. Ҳадис илми пайғамбаримиз томонидан ривоят қилинган гап ва ишларни, фикҳ илми шариат қонунчилигини, калом илми эса ислом динида эътиқод қандай бўлишини ўргатади.

Мотуридия ақидаси Қуръон, ҳадис ва ақл-идроқ, мантиқ ва ҳақиқатга яқин экани билан бошқа таълимотлардан ажралиб туради. Абу Мансур Мотуридий ўз таълимоти билан боғлиқ аксарият фикрларини «Китоб тавҳид» асарида баён этган. Хусусан, ўзга тоифадаги фирқаларга қарши шундай сўзларни айтади: «Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Аллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқот, ибрат ва тажриба билан иш қилишга буюрганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илм манбаларидан биридир».

Бу таълимот муътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки нақлдан ҳам кўшиб фойдаланишни зарур деб билади. Ақида борасида кўшган яна бир хиссаси шуки, ўша даврларда жуда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлаган. Мотуридий шунга чек қўяди ва бу ўлкада ягона ақида тизимини (яъни ҳанафийа мазҳаб асосида) ўрнатади. У барча ақидалар орасидаги баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб беради. Натижада турли хилдаги майда оқимлар кўпайишининг олди олинади.

Мутакаллим ислом илоҳиётидаги қазо ва қадар (яъни инсон тақдири) ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён этган. У инсонда танлаш эркинлиги бор деган иборани қўллаган. Яъни инсон қандай ишни лозим топса, ўшани бажариши керак. Аллома инсон қандай йўлни танлаши ўз ихтиёрида эканига алоҳида урғу беради. Бу эса ҳозирги демократиянинг асосини ташкил этади.

Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, ҳанафийа таълимотининг Ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ эканини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ул зот асос солган диний таълимот – мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топишига сабаб шуки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динининг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Мансур ал-Мотуридий. 2003. Китоб ут-тавҳид. / Фатхуллоҳ Хулайф таҳрири. – Анқара: Туркия Илоҳиёт Фонди.
2. Абу Мансур ал-Мотуридий. 2004. Таъвилот аҳли ас-сунна. / Фотима Юсуф Хайми таҳрири. – Байрут: Дар ул-Кутуб ал-Илмийа. – Ж. 5.
3. Кафавий М. 1995. Катоиб ул-аълум ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва машойих мазаҳаб ан-Нуъмон. – Байрут: Дар ул-Фикр.
4. Рудолф У. 1997. Ал-Мотуриди ва сунний теология в Самарканде. – Лейден: Брилл.
5. Сезгин Ф. 2000. Араб қўлғезмалари тарихи. – Франкфурт: Институт фюр Гешichte дер Арабиш-Исламишен Виссеншафтен. – Ж. 9.
6. Абулқосим Ҳаким Самарқандий. 1985. Китоб ас-савод ал-аъзам. – Байрут: Дар ул-Кутуб ал-Илмийа.
7. Абу Мансур ал-Мотуридий. 2005. Таъвилот аҳли ас-сунна. / Муждий Баслум таҳрири. – Қоҳира: Мактабат ул-Карамат. – Ж. 7.
8. Дафтариий Ф. 1990. Исмолийлар: уларнинг тарихи ва доктриналари. – Кембридж. Кембридж Университети Пресс.

<b>Бекжон Қурбонов.</b> САМАРҚАНДАН БОШЛАНГАН НУР .....	137
<b>Abdujabbor Toshpulatov.</b> ABUL MU'IN AN-NASAFIYNING MOTURIDIYA TA'LIMOTIDAGI O'RNI.....	141
<b>F.N.Saidova.</b> IMOM MOTRUDIYNING TA'LIMOTINING PSIXOLOGIK TALQINI.....	145
<b>Жонибек Довуров.</b> «ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА МОТУРИДИЯ АҚИДАВИЙ МАЗҲАБИ» .....	149
<b>Muxriddin Jo'rayev.</b> IMOM MOTURIDIY NAZDIDA HADIS ILMLARIGA MUNOSABAT .....	153
<b>Дилафруз Мадаминова.</b> МОТУРИДИЗМ: ПРИНЦИПЫ ТОЛЕРАНТНОСТИ, УМЕРЕННОСТИ И РАЦИОНАЛЬНОСТИ В БОГОСЛОВСКОЙ МЫСЛИ .....	161
<b>Mashhura Matchonova.</b> IMOM MOTURUDIY VA UNING IZDOSHLARI ILMIY MEROSINING ISLOM ILMLARI RIVOJIDAGI O'RNI .....	166
<b>Shamsuddin Bahauddinov.</b> IMOM MOTURIDIYNING ISLOM OLAMIDAGI MAVQEI .....	170
<b>Jalalatdin Abdirazaqov.</b> IMOM MOTURIDIY HAYOTI VA MOTURIDIYA MAKTABINING SHAKLLANISH BOSQICHLARI.....	180
<b>Мансур Жамбилов.</b> «ФУТУХ АШ-ШОМ» АСАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ .....	186
<b>Abdurasul Abdullayev.</b> MOTURUDIY TA'LIMOTIDA QUR'ON MAXLUQ EMAS .....	192
<b>Абдуғулом Мелибоев.</b> ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА КАРОҲИЯТ ТУШУНЧАСИ.....	197
<b>Ramatjonova Muxlisa.</b> BUXORO AMIRLIGI TARIXIY TADQIQOTLARDA.....	200
<b>Ahad Raymberdiyev.</b> IMOM TERMIZIY HAYOTI VA «SUNAN» ASARINING TAFSIR BOBI.....	204
<b>Есенгелди Низаматдинов.</b> «ШАРҲ МУШКИЛОТ АЛ-ҚУДУРИЙ» МУАЛЛИФИНING АСАРДА ТУТГАН УСЛУБИ ВА АСАРДАГИ БАЪЗИ ХАТОЛИКЛАР .....	208
<b>Хулкар Усманова.</b> МАСЪУД САМАРҚАНДИЙНИНГ «САЛОТИ МАСЪУДИЙ» АСАРИДА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ АКС ЭТИШИ .....	213
<b>Бегзод Бакиров.</b> МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ИЛМ САФАРЛАРИ ВА АСАРЛАРИ .....	217
<b>Сойибжон Жўраев.</b> ИСТИҲСОН ҲАҚИДА МАЗҲАБЛАРНИНГ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ .....	221

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DIN ISHLARI BO‘YICHA QO‘MITASI

IMOM MOTURIDIY  
XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

MOTURIDIYLIK – BAG‘RIKENGLIK,  
MO‘TADILLIK

VA MA‘RIFAT TA‘LIMOTI

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya  
materiallari to‘plami*

II-JILD

«Standard Poligraf Service» MCHJ qo‘shma  
korxonasi bosmaxonasi  
Toshkent – 2025

*Nashr uchun mas‘ul: Z.Faxriddinov*  
*Muharrir: Z.Arslonov*  
*Саҳифаловчи муҳаррир: Z.G‘ulomov*  
*Dizayner-sahifalovchi: L.Abdullayev*



Nashriyotning lisenziya raqami  
AI № 0011. 06.05.2019 yil.  
Bosmaxonaga 05.12.2024-yilda berildi.  
Bichimi 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Shartli b.t. 9,9. Nashr t. 10,2.  
Adadi nusxa. Buyurtma №10.  
Bahosi shartnoma asosida.

«Standard Poligraf Service»  
MCHJ qo'shma korxonasi bosmaxonasida chop etildi.  
100152, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Foziltepa ko'chasi, 12B.

---